# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
# Q A R O R I

Uzuntumani, O‘zbekistonko‘chasi7-uy.191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 21 yil “ 23 ” yanvar -son Қ-45

Uzun sh.

**Туманнинг “Гулистон” СИУ массивидаги туман заҳира ер фондидан фуқаро Худайқулов Комил Турсун ўғлига чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 32,0 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 14 августдаги 177-сонли йиғилиш баёни ҳамда фуқаро К.Худайқуловнинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н**

1. “Гулистон” СИУ, “Томчи” массивида чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 14 августдаги 177-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби Худайқулов Комил Турсун ўғлига фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиши учун “Гулистон” СИУ, “Томчи” массиви ер харитасининг 26қ-дала контуридан жами 32,0 гектар, шундан 7,0 гектар лалми ҳайдаладиган ер ва 25,0 гектар яйлов ер майдонлари 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қорақулов)га янги ташкил этилаётган фермер хўжалигига ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини расмийлаштириш ва туман ер ҳисоботига ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи (К.Худайқулов)га 10 кун муддат ичида туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлимидан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор нусхаси туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Б.Турсунов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA